



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 22 июль, № 141 (6071)

Сешанба

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифим давомида Сиз ва ўзбек халқи томонидан менга кўрсатилган иззат-икром учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Олий даражада бўлиб ўтган учрашувда давлатларимиз нафақат энергетика соҳаси, балки “электрон ҳукумат”, ахборот технологиялари, тўқимачилик ва мудофаа саноти, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит, инфратузилма ва бошқа кўплаб соҳаларда турли ҳамкорлик лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги келишувга эришди. Сиз билан келишиб олган муҳим лойиҳаларни бекаму кўст, тўла амалга ошириш учун яқиндан ҳамкорлик қилишимизга ишонаман.

Бўлиб ўтган учрашувлар натижасида мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида биргаликда равнақ топишга интилаётган стратегик шериклар эканига амин бўлдим. Президент Жаноби Олийлари, Сизнинг халқаро ва минтақавий масалалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингиз, шунингдек, Ўзбекистондаги корейс диаспорасига қаратаётган эътиборингиз мени хайратга солди ва чуқур таассурот қолдирди.

Жаноби Олийлари, мен яна шуни алоҳида миннатдорлик билан таъкидламоқчиманки, Тошкент шаҳри аэропортида мени шахсан кутиб олдингиз, Самарқанд шаҳрига мен билан бирга бордингиз. Бу билан самимий меҳмондўстлигингизни намояндалаштирдиган “Афросиёб” музейидаги деворий расмларда акс эттирилган Когурё даври элчиларининг тасвири Буюк Ипак йўлининг қадимий таърихи бизнинг кунларимизда ягона Евроосиёда яна муҳасаммалаша олишига ишончимни мустаҳкамлади.

Президент Жаноби Олийлари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлардан манфаатдор эканингиз ва уни астойдил қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса юксак равнақ ва тараққиёт тилайман.

Пак Кин ХЭ, Корея Республикаси Президенти

Озиқ-овқат саноти: Экспорт имкониятлари ва истиқбол

Ўзбекистон мева ва сабзавот маҳсулотларини наинки етиштириш ҳажми, балки уларни экспорт қилиш буйича ҳам дунёда етакчи бўлган ўн та давлатдан бири саналади. Бугунги кунда 80 дан ортиқ мамлакатга 180 турдан зиёд сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар етказиб берилётгани бунинг яққол далилидир.

Ислоҳот

Зеро, Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида амалга оширилган туб ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг муҳим таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажминини муттасил ошириш имконини берди.

Саховатли заминимизда етиштирилётган ноз-неъматларга бўлган талаб ортиб бораётгани бежиз эмас, албатта. Чунки юртимизнинг ноёб тупроқ-иклим шароити, йилнинг ўртача 320 кунли қуёшли бўлиши, фаслларнинг ўз ўрнида келиши, изчил алма-шинуви туфайли жуда ма-залли ва сифатли мева-саб-завот маҳсулотлари етиш-тирилади. Бундан ташка-ри, пишиқчилик мавсуми эрта кўкламдан то кеч ку-згача давом этадики, бу аҳолининг муҳим озиқ-ов-қат маҳсулотларига бўлган

эҳтиёжини йил давомида барқарор қондириш, қайта ишлаш корхоналарини уз-лунсиз хом ашё билан та-минлаш имконини беради. Мана исботи: маълумот-ларга кўра, мамлакатимиз-да ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва са-бзавот маҳсулотлари етиш-тирилиб, аҳоли жон бошига қарийб 300 килограммдан сабзавот, 75 килограмм кар-тошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни макбул деб ҳисобла-надиган истеъмол меъёри-дан уч баробар кўп экан-лиги таҳсинга лойиқдир.

Соҳада эришилаётган бундай ютуқлар Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга ошириш-нинг муҳим заҳиралари” мав-зусидаги халқаро конферен-ция иштирокчилари томони-дан ҳам юксак баҳоланди.

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган мақсадли дастурлар амалга ошириляпти. Натижада жорий йил биринчи чорагининг ўзида

150 дан

зиёд янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Электродуховка, газ ва электр плиталар, кондиционерлар, электродвигателлар, насослар, мисланган пайвандлаш симлари, автомашиналар учун антифриз, спорт майдонлари учун сунъий қоплама, резина асосли ковролан... Умуман, ушбу даврда 352 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси доирасида 439,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 197,9 миллион АҚШ долларига етди.

Ваҳолонки, яқин-яқинларгача маиший техника воситалари юртимизга четдан келтириларди. Бугун эса шу турдаги маҳсулотларнинг аксарияти маҳаллий корхоналар томонидан тақлиф этилаётгани барчамизни фахрлантиради. Айни чоғда улар хорижда-

ги муқобилидан асло қолишмас-лиги, қулай нархлари билан кўпчиликнинг ижобий баҳосини олиб, “Made in Uzbekistan” бренди нуфузини янада ошироқда. Пойтахтимиздаги кондиционер ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Dream Production” масъ-

улияти чекланган жамияти — ана шундай илғор корхоналардан бири. Ташкил этилганига ҳали ҳеч қанча бўлмай, у истеъмолчи-лар ишончини қозониб улгурди. Албатта, бундай эътирофга сазовор бўлиш осон эмас. Саба-би, уч йил олдин корхона ихтиё-

рида 3,5 гектар ер ва бўш ётган бино бор эди, холос. Юртимиз-да яратилган қулай ишбилармон-лик ва инвестиция муҳити туфай-ли у ерда қисқа вақт ичида ил-ғор технологияли, Марказий Осиёда ўхшаши йўқ линия ишга туширилди. Жумладан, Япония ва

Хитойнинг етакчи компаниялари ускуналари асосида тайёрлаш, синовдан ўтказиш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилди. Энг муҳими, шу асосда юздан ортиқ иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-бетда).



ЮҚОРИ СИФАТЛИ, ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситалари ана шундай таърифга лойиқ.



Қалбимиз қувончга тўлди

Бугун ҳаётимиз шиддат билан ўзгармоқда. Дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги-ни таъминлаш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бораётган мурак-қаб бир даврда мамлакатимизда 8 миллион 50 минг тонналик ғалла хирмони яратилгани барчамиз учун қувонarli ҳол.

ДИЛ СЎЗИ

Бундай юксак марра ўз-ўзидан қўлга киритилмагани, бунинг учун қандай машаққатли йўл босиб ўтилгани ва бу муваффақият қанчалик қадр-қимматга эга эканлиги Президентимизнинг Ўзбекистон ғалла-корларига йўллаган табри-гида алоҳида таъкидланди. Унда, жумладан, шундай дейилган: “Бу мисли қўрилмаган ютуқнинг моҳи-яти ва қадр-қимматини ҳар томонлама чуқур англаш учун бир вақтлар, яъни эн-дигина мустақилликка эришган биринчи кунлар-да давлатимиз омборлари-да халқимизни боқиш учун фақатгина бир ҳафта-ўн

кунга етадиган ун қолгани-ни, айтиш мумкинки, юр-тимиз очарчилик оstonаси-да, жар ёқасида тургани-ни ўзимизга тасаввур қи-ладиган бўлсак, биз қандай таҳликали ва хатарли за-монни бошимиздан кечир-ганимиз ва бугунги қўлга киритган, ҳақиқатан ҳам, буюк марраларнинг баҳо-си ва аҳамияти яққол аён бўлади”.

Дарҳақиқат, эндиликда биз обод юрда фаровон турмуш кечираялмиш. Бай-рамларимиз, тўйларимиз кўп. Уларни файзли ва тўқин дастурхон атрофида шоду хуррамликда, тинч-лик-хотиржамликда ўтказ-

ялмиш. Бундай фараҳбахш кунлар учун қанча шукро-на айтсак арзийди.

Отамнинг ёнида юриб, менда ҳам фермерликка муҳаббат уйғонди. Шу иш-нинг бошини тутиб, хато қилмаган эканман. Яратиб берилган шарт-шароитлар-дан унумли фойдалани-б, меҳнат қилаётганимиз ту-файли кўплаб ютуқларни қўлга киритаялмиш. Жумла-дан, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачилик тармоқларидан яшигина даромад кўра-ял-миш. Фойдаимиз ҳисобига замонавий қишлоқ хўжали-ги техникаларини харид қи-либ, фермер хўжалиги-миз паркинни тўлдираялмиш.

Халқимизда “Интилганга толе ёр” деган нақл бор. Чиндан ҳам, изланиш ва интилишларимиз бесамар кетмаяпти. Масалан, жо-рий йилда 76 гектар ерда

ғалла етиштириб, давлат-га 245 тонна дон сотган бўлсак, яна шунчаси ёни-мизда қолди. Ўтган йили ҳар гектар ғаллазордан 70-75 центнер ҳосил кўтарган бўлсак, бу йил маҳаллий ва минерал ўғит-лардан унумли фойдалани-шимиз натижасида ҳосил-дорликни 90 центнерга етказдик. Натижада ишти-ларимизнинг ҳар бирига 4-5 тоннадан дон улашдик.

Қисқача айтганда, бутун жамоамизнинг уйи донга, қалби қувончга тўлди. Зеро, фермерларга яра-тилган қулай шарт-шароит, кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик шу каби юту-қларнинг бош омилли бўла-тир.

Ғолиб ЭРҒАШЕВ, Кармана туманидаги «Амир Ғолиб келажак» фермер хўжалиги раҳбари.

САРХИСОБ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг жорий йил биринчи ярим йиллик якунига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Касаба уюшмалари фаолияти таҳлил қилинди

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда битта Бош келишув, республика миқёси-даги 85 та тармоқ (та-риф) келишуви, Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий келишув, бево-сита корхона ва ташки-лотларда 97 минг 583 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Меҳнат соҳа-сида ижтимоий шерик-ликнинг шакл ва услуб-ларини янада ривожлан-тириш, жамоа шартнома-лари ва келишувлари мазмун-моҳиятини бугун-ги кун талаблари асоси-да такомиллаштириш бо-расида амалга оширил-ган сай-ҳаракатлар на-тижасида касаба уюшма-лари аъзолари меҳнати-дан фойдаланувчи юри-дик шахсларнинг 96,3 фоизи жамоа-шарт-номавий муносабатлар

билан қамраб олиниши-га эришилди. Айни чо-гда бу борадаги ишлар сифатини ошириш мак-садида барча касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш тизими такомиллашти-рилиб, Федерация Кенгашининг эксперт комиссияси томонидан 14 та тармоқ ва 11 ҳудудий келишув экспертиза қилинди ҳамда улар юзасидан тегишли хулосалар берилди.

Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳ-камаси, Касаба уюшма-лари Федерацияси Кен-гаши ҳамда Савдо-са-ноат палатаси ўртаси-даги ижтимоий-иқтисо-дий масалаларга оид 2011 — 2013 йиллар учун Бош келишувнинг якуний ижроси Учтомонлама комиссиянинг мажлиси-да муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол мўъжизаси

Президентимиз ташаббуси билан биз учун мутлақо янги тармоқ бўлган автомобилсозлик санотига асос солингани том маънода халқимиз орзу-интилишларининг рўёби, таъбир жоиз бўлса, мустақилликнинг улкан мўъжизаси бўлди. Асака шаҳрида жойлашган “GM Uzbekistan” ёпиқ акциядорлик жамияти бугунги кунда бутун мамлакатимизнинг гурури ва ифтихори, санотимизнинг етакчи корхонасига айланган. Зеро, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки Ҳамдўстлик давлатлари ичида ягона бўлган ушбу йирик корхона бунёдкор халқимиз куч-қудрати, ақл-заковати, ғайрат-шижоатининг ёрқин намунаси.



«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ташаббуси билан "Депутатларнинг сайловчилар билан олиб борадиган ишларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Депутатларнинг сайловчилар билан ишларини янада такомиллаштириш — давр талаби

Тадбирда куй палата депутатларининг ўз сайлов округларидаги ишларини янада яхшилаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 30 дан зиёд семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бу эса парламент аъзоларининг сайлов округларида тизимли фаолият юритиш, парламент назоратини амалга ошириш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини кўриб чиқиш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, сайловчилар муносабатлари билан ишлаш каби масалаларда замонавий шакл ҳамда усулларни ўрганиб, амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этди.

учрашувларини пухта режалаштириш, унга тайёргарлик кўриш, учрашувларни юксак даражада ўтказиш мақсадида ташкилий масалаларни ҳал этиш юзасидан сиёсий партиялар фракциялари томонидан зарур чора-тадбирлар кўриш амалиёти йўлга қўйилди. Ўз навбатида, учрашувлар натижалари ҳар бир фракция йиғинликларида кўриб чиқилиб, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилапти.

риллаётганига тўхталиб ўтилди. Жумладан, 2012 — 2014 йиллар давомида Президентимизнинг қатор маърузалари мазмун-моҳияти, амалдаги 100 дан зиёд қонун ҳужжатлари, катта ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурлари, жумладан, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Аини чоғда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш ҳақида ҳам аҳолига мунтазам ахборот бериб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

батан талабчанлиги ошишига кўмак берди. Хусусан, жорий йилда депутатлар билан учрашувларда 120 мингдан ортиқ сайловчилар қатнашди. Уларда юртимизда кечаётган демократик ислохотлар, Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар моҳияти, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг долзарб масалалари, депутатлар фаолиятига тааллуқли саволлар, фикрлар ўртага ташланди.

Муҳокамаларда сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари вакиллари ривожланган демократик давлатларда депутатларнинг сайловчилар билан олиб борадиган ишлари, миллий қонунчилик базасини таҳлил қилдилар. Эксперт ва олимларнинг фикрлари, шунингдек, депутатларнинг сайловчилар билан олиб борадиган ишлари такомиллаштириш бўйича тўплаган тақлифлари эшитилди.

Жунда шитроқчилар бу борадаги қонунчилик, ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада маромига етказиш зарурлиги ҳақида фикр билдиришди. Бу эса депутатларга қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётгани, ҳужжали юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунарга муҳтож экани, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш имконини беради. Шулардан келиб чиқиб, сиёсий партиялар фракциялари ва борадаги ишларни сезиларли даражада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш тавсия этилди.

Санджон МАХСУМОВ.

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



Жорий йилда Андижон шаҳридаги миллий хунармандчилик касб-хунар коллежини 387 нафар йигит-қиз тамомлади. Битирувчиларнинг аксарияти ҳозирнинг ўзида муқим иш ўрни билан таъминланди.

Битирувчиларнинг бизнесдаги дастлабки муваффақияти

— 12 нафар битирувчимиз оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди, — дейди коллеж директори Ёркин Нисонов. — Болалигимдан маълум касб-корини бошини тутган ёшларимиз ёғоч ўймакорлиги, мебелсозлик, миллий либослар тикиш ва каштачилик, косиблик, ошпазлик, дўппидўзлик ҳамда зардўзлик каби йўналишларда барқарор фаолият юритишмоқда. Уларнинг бизнесларини ташкил қилишда банкларнинг имтиёзли кредитлари кўп келяпти.

Санджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёш тадбиркорларга имтиёзли кредитлар

Навоий шаҳрида ўтказилган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танловининг вилоят босқичида 100 нафар ёш ўз бизнес лойиҳаси билан иштирок этди.

Ушбу тадбир "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Марказий банк вилоят баш бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси, Фермерлар ва "Камолот" ЕИҲ вилоят кенгашлири ҳамкорлигида ташкил этилди.

Вилоятда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёш тадбиркорларнинг бизнес соҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банклари томонидан жорий йилда касб-хунар коллежалари битирувчиларига 6,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилган.

Танловда шу каби 10 нафар йигит-қиз истиқболли лойиҳаларни учун тақдирланди.

Ўзғир ЗАРПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фойдали маҳсулотнинг харидори кўп

Бухоро шаҳридаги "Сул Шер Жаҳон" хусусий корхонаси маҳсулотлари ички бозорда тобора харидоригир бўлиб бормоқда.

Бунга эришишда кичик бизнес субъектида амалга оширилган кен қўламли модернизациялаш тадбирлари кўп келди. Шу мақсадда корхонага 900 миллион сўмлик сармоа йўналтирилиб, сутни қайта ишлаш линияси техник жиҳатдан янгиланди. Пировавдида бу ерда тайёрланаётган қатик, бринза, творог каби саломатлик учун фойдали маҳсулотлар сифати янада яхшиланди.

Айтиш ўринлики, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган еттита шундай корхона иш бошлади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Касаба уюшмалари фаолияти таҳлил қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳукумат, давлат идоралари, касаба уюшмалари ташкилотлари ва иш берувчилар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда 2014 — 2016 йилларда мўлжалланган Бош келишнинг 2014 йил давомида ижросини таъминлаш бўйича белгилаб олинган аниқ вазифалар бажарилиши натижасида турли тармоқларда меҳнат қилаётган ходимлар учун ижтимоий кафолат ва имтиёзлар қўлами янада кенгайтирилди. Хар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, давлат ташкилотлари, кичик корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, фермер хўжалиқлари учун мўлжалланган жамоа шартномалари мақетларининг ишлаб чиқишини ходимлар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш имконини берди. Фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида иш берувчилар ва касаба уюшма кўмиталарининг ходимлар олдида ҳисобот бериш тизими сифати оширилди.

41 минг нафарига 3 млрд. 504,3 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, касб-хунар коллежалари битирувчиларининг иш жойларида кўнимлигини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 20 минг нафардан ортиқ коллеж битирувчиларига амалиёт ўташ даврида жами 387,8 млн. сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. 495 минг 228 нафар битирувчи амалиёт ўташи учун 126 минг 843 та корхона ва ташкилотга бириктирилиб, узокдан қатнайдиган ўқувчиларни олиб келиш учун автобус қатновини амалга ошириш, уларга йўлқира тўловлари бўйича имтиёзлар бериш борасида жамоатчилик мониторинги ўрнатилди. Натижада кўшимча равишда янги автобуслар қатнови йўлга қўйилди, ўқувчилар учун имтиёзли нархлар белгилашга эришилди.

Касаба уюшмалари тизимини ташкилий жиҳатдан мустахкамлашга қаратилган ишлар ҳам изчил олиб борилди. Хусусан, Федерация Кенгаши ўқув марказида касаба уюшма ташкилотларининг 599 нафар ходими барча йўналишлар бўйича ўқитилди, масофавий ўқув тизими орқали 678 нафар ходимнинг малакиси оширилди. Ҳисобот даврида парламент томонидан тасдиқланган иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига кўра, жамоатчилик мониторингини олиб бориш ишларига жиддий эътибор қаратилди. Таҳлилларга кўра, касаба уюшмалари ходимлари томонидан 3 минг 122 та корхона, ташкилот ва муассасада 26 минг 544 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилганлиги ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, тадбирда мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини аҳолига, хусусан, ёшларга атрафлича тушунтириш, ёшларга амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси, меҳнат муҳофазаси, тизимга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, халқро ҳамкорлик каби бир қатор устувор йўналишларда рўёбга чиқарилган ишлар таҳлил қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жаҳоннинг 40 та мамлакат ва 20 та халқро ташкилотдан ташриф буюрган 200 нафардан зиёд меҳмонлар дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда бундай маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш борасида Ўзбекистонда тўплаган тажрибани ўрганиш хар томонлама фойдали эканлигини алоҳида қайд этдилар.

Дарҳақиқат, иқтисодий-иқтисодий юқори технологияларга асосланган тармоқлари, хусусан, озиқ-овқат саноати жадал суръатларда ривожланмоқда. Мутахассисларнинг эътирофига, ички ва ташқи инвестициялар жалб этилган ҳолда, янги корхоналар ишга туширилаётгани, мавжуд қувватлар изчил модернизация қилинаётгани ютуқлар гарови бўлаётир.

Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони қариб 7 мингга етди. Бунинг самараси ўлароқ, илгари импорт эвазига таъминланган айрим турдаги маҳсулотлар аллақачон маҳаллийлаштирилиб, эндиликда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан экспорт қилинаётир. Фақат Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси тизимидаги корхоналарнинг ўзида мингдан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бунга яққол мисол бўла олади.

Пойтахтимиздаги "Gold Dried Fruits" масъулияти чекланган жамияти соҳада самарали фаолият кўрсатаётган илгор корхоналардан биридир. Бу ерда боғ ва дала неъматларига юқори ҳароратда ишлов берилиб, сунъ-

Озиқ-овқат саноати: Экспорт имкониятлари ва истиқбол

ий қуришти усуллари тўлиқ ўзлаштирилган. Бунда Германия, Бельгия, Хитой каби хорижий давлатлардан келтирилган энг замонавий ва юқори умумий технологиялар қўл келаётир.

Бугунги кунда жамиятда 120 га яқин киши иш билан таъминланган. Уларнинг шижоати тўғрисида бир кеча-кундузда 120 тонна пишиб етилган, витаминларга бой, энг асосийси, экологик тоза қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифати қайта ишланапти.

да қуришти ўз босқичда амалга оширилаётгани тўғрисида озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибидеги фойдали элементлар тўлиқ сақлаб қолинапти. Шу боис уларга бўлган талаб кун сайин ортмоқда.

Чиндан ҳам, иш бошланганга эндигина бир йил тўлган ушбу корхона маҳсулотлари аллақачон хорижда ўз харидорларини топиб улгурди. Тайёр маҳсулотларнинг 90 фоизи АҚШ, Германия, Украина сингари дунёнинг унга яқин мамлакатларига сотилаётгани бунинг тасдиғидир.

Жамият жамоаси ташки бозор талабини инобатга олган ҳолда, қайта ишлаш ҳажминини муттасил ошириш пайидан бўлмоқда. Бунинг учун фермерлар томонидан етказиб берилаётган маҳсулотлар билан қиёяналиб қолмасдан, корхона тасарруфидеги 300 гектар экин майдонига қаламپир, булғор қалампири, баклажон, қарам, қизил лавлагги каби сервитаин сабзавотлар етиштириш йўлга қўйилди. Бу ердан йиғиштириб олинаётган ҳосил ҳам пешма-

пеш қайта ишланапти. Эътиборлиси, замонавий технологиялар ёрдамида 70 граммлик идишларга қадоқланаётган маҳсулотларни 2 йилгача сақлаш мумкин.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ташкил этилган бу каби мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган корхоналар иқтисодий-иқтисодий тобора катта ўрин эгаллаб бормоқда. Негаки, уларда маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, янги турдаги ноз-неъматлар тайёрлашга эришиляпти. Бу, ўз навбатида, қўшимча савдо йўлақларини очиб, ҳамкорлар сафини кенгайтириш, экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилаётир.

Шулар инобатга олинган ҳолда, яқин йилларда мева-сабзавотни қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларлик 265 та инвестициявий лойиҳани қўшимча равишда амалга ошириш кўзда тутилган. Бу Ўзбекистонда озиқ-овқат дастури ижроси изчил таъминланаётганининг амалий тасдиғи бўлиб, пировавдида иқтисодий-иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўламоқда.

Сайд РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЮҚОРИ СИФАТЛИ, ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маийий техника воситалари ана шундай таърифга лойиқ.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Кондиционер ишлаб чиқаришининг хар бир босқичи ўта синчковликини талаб этади, — дейди корхона директори уринбосари Сарвар Аҳадов. — Аввало, энг сўнгги русумдаги тест функциялари асосида унинг совишти ва иситиш тизими меъёрида ишлаши, электр хавфсизлиги муфассал текширилади.

Кам-қўсти бўлса, тузатилади. Шундан сўнг лаборатория маҳсулот сифатини чиғирикдан ўтказилади. Бу эса ускуналаримизнинг хар томонлама талабга мослигини таъминлаш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳозир мамлакатимизда маийий техника воситалари таркибий қисмларини тайёрлаш изчил ўзлаштириляпти. Масалан, шу йилдан бошлаб кор-

нарни камайитиришда айна муддаодир.

...Улкан ишлаб чиқариш комплексиде юқори технологияли асбоб-ускуналарга кўзингиз тушади. Уларни ўзимизнинг ёш мутахассислар моҳирлик билан бошқаришяпти. Конвейер айланиб турибди. Дастгоҳлар бир меъёрга ишламоқда. Махсус автокарлар керакли деталарни ташиб келтиряётир. Хуллас, жараён қизгин давом этмоқда.

Чиқарилаётган кондиционерларда эса бозордаги барча янгиликлар ва талаблар ўзифодасини топанга гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, иситиш, совишти қувайти, ихчамлик, шовкинсизлик, тежамкорлик, дизайн — ҳаммаси рисоладағидек.

Жамонинг асосий қисминини ташкил этадиган олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларини тамомлаган ёш ходимлар ўз гоғалари билан маҳсулотларни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшаётгани диққатга сазовор. Уларнинг билими, малака ва амалий кўникмаларини ривожлантиришда таълим муассасалари билан уч томонлама шартномалар имзолаш аънанаси, "устоз — шогирд" тамойили самарали қўлашилди келинаётгани катта роль ўйнапти. Хусусан, қўллаб ёшлар коллеж амалиётини шу ерда ўтаб, соҳаданги ўзига хос жиҳатлар билан қандаг таншишмоқда, униб-ўсмокда, жамиятда муносиб ўрнини топиши учун барча шарт-шароит яратилганини ҳис этмоқда. Уқишни та-

момлагандан кейин илгор корхонада мутахассис сифатида фаолият юритаётгани буларнинг самарасидир.

— Бу ерда ишлаётганимга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди ана шундай ёшлардан бири Рамзиддин Турсунов. — Ҳаётимнинг мазкур янги босқичи ҳалол ишлашининг асл мазмун-моҳияти нимда эканлигини кўрсатди. Меҳнат бу нафақат даромад, балки ўзини кўрсатиш, қобилиятини синовдан ўтказиш, энг асосийси, мана шу юрт, мана шу жамиятнинг бир бўлаги эканлигинини ҳис этиб, гурурланишидир.

Жамонинг ахиллиги ҳамда илгор технологиялар уйғунлигида корхонада йилга салкам юз минг донна кондиционер ишлаб чиқариляпти. Маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидоригир.

Муҳтасар айтганда, замонавий маийий техника воситалари юртдошларимиз турмуш тарзига қўллаб қулайликлар, хонадонларга шинамлик, саранжом-сарышталик бахш этаётир. Бугунги кунда дўкон пештахталарида ана шундай товарларнинг қўллаб моделларини учратиш мумкин. Қувонарлиси, улар орасида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида бўлган маҳсулотлар сони тобора кўпайиб борапти.

С. ҚОСИМЖОНОВ, Ҳ. ПАЙДОЕВ олинган суратлар.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Филиппиндан кейин Хитой худудига кириб келган "Гленда" тўфони оқибатида 17 киши ҳаётдан кўз юмган. Умумий ҳисобда табиий офатдан жами 1,3 миллион киши жабр кўрган.

Табиий офат талафотлари



"China Economic Net" хабарига қараганда, тўфондан Гуанси-Чжуан автоном райони, Хайнань ва Гуандун музофотларида жиддий талафотлар кўзатишган. Масалан, Хайнаньда 51 мингта турархўй биноси вайрон бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Гленда" сўнгги 41 йил ичида Хитой жанубида кўзатишган энг кучли тўфон сифатида қайд этилиб, у мамлакат иқтисодиётига 750 миллион АҚШ долларидан кўп зиён етказди.

Натижалар қониқтирмапти

Олти йиллик инқироздан сўнг Европа автомобиль бозорига яна аста-секин жонлишиш кўзга ташланмоқда, дейилади "Евроныйс" телеканали тарқатган хабарда.



ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 4,3 фоиз кўпдир.

Қизиқ жиҳати, ушбу ижобий натижа автомобилсозларни унчалик ҳам хурсанд қилмапти. Чунки мижозлар, асосан, арзон ва ўрта нархлардаги машиналарни харид қилишмоқда. Амалда бир қатор ишлаб чиқарувчиларнинг махсулотлари сотилмапти.

Иш ўринлари қисқаради

АҚШнинг "Microsoft" компанияси келаси йили 18 минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилади. Бу корхонада мавжуд умумий иш ўринлари 14 фоиз қисқартирилади, деганидир.



Янги раҳбар Сатя Наделланинг оммавий ахборот воситаларига маълум қилишича, "Microsoft" Финляндиянинг мобил алоқа қурилмалари ишлаб чиқарувчи "Nokia" компаниясини ўз таркибига қўшиб олганидан кейин баъзи бўлиmlарини оптимallasштиришга қарор қилган. Бу келгусида харажатларни йилга 1,6 миллиард АҚШ долларигача тежаш имкони беради.

"Microsoft" сўнгги беш йил ичида бундай оммавий равишда иш ўринларини қисқартиришни амалга оширмаган эди.

Мавқеи пасайди

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕС) жаҳон "қора олтин" бозоридagi мавқеини бой бермоқда.



атиғи 0,1 фоиз ошган. "Қора олтин"га бўлган талаб 1,2 фоиз кўпайган. Бундай паст кўрсаткичлар туфайли ОПЕС томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулот ҳажми 2012 йилдагига нисбатан 2,5 фоиз тушиб кетган.

Бунинг натижасида ташкилотнинг жаҳон нефть қазиб олиш саноатидаги улуши 44,6 фоиздан 43,4 фоизга пасайган.

Кубокка зарар етди

Жорий йил футбол бўйича жаҳон чемпионати голлиби Германия терма жамоасига топширилган кубокка немис футболчилари ғалабани нишонлаш вақтида зарар етказиб қўйишган.



Бу ҳақда Германия футбол иттифоқи раҳбари Вольфганг Нирсбах айтиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, кубокнинг бир парчаси синиб тушган. Яқин вақт ичида мутахассислар уни қайта тиклашди.

Маълумки, ФИФА мусобақа голлибига топширадиган кубокнинг ҳақиқийсини ўзида сақлайди. Жаҳон чемпиони бўлган жамоага унинг нусхаси топширилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан Бухоро вилояти ЖИБ судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-22-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- 1. Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкий мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 3 043 791 382 сўм.
2. Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ худудига жойлашган 1 гектарли иссиқхона. Бошланғич баҳоси — 910 781 557 сўм.

ХАЛҚ БАНКИ

Тўлов тизимининг такомиллаштирилишида банк пластик карточкалари муҳим аҳамиятга эга. Негаки, "электрон ҳамён" дея эътироф этилаётган бу восита аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга ҳисоб-китобларни нақд пулсиз ҳамда тезкор амалга ошириш имконини берапти. Шу боис ушбу замонавий, қулай тўлов воситаси тобора оммалашиб бормоқда. Буни пластик карточкалар ёрдамида амалга оширилаётган ҳисоб-китобларнинг сони ва сифати сезиларли даражада ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Пластик карточка: ЗАМОНАВИЙ ВА ИХЧАМ ҲАМЁН

Биргина Давлат-тижорат Халқ банки фаолияти мисолида айтадиган бўлсак, банк томонидан жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 1 млн. 800 минг данадан зиёд пластик карточкалар муомалага чиқарилган бўлиб, шундан 689,3 минг нафарини "он-лайн" пластик карталари ташкил этади. Уларнинг асосий қисми корхоналар иш ҳақини кириш қилиш учун чиқарилгани эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги кунга қадар мижозларга қулайлик яратиш, нақд пулсиз ҳисоб-китобни ривожлантириш мақсадида жойларда 22 мингдан ортиқ терминаллар ўрнатилди. Жумладан, банк муассасаларида коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун 2 мингга яқин, чакана савдо ва маиший хизмат субъектлари ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида эса 20 мингдан кўп терминаллар ишлаб турибди. Натижада 2014 йилнинг биринчи ярмида терминаллар орқали 1,4 трлн. сўмлик 31,7 млн.дан зиёд транзакциялар ўтказилган.


Шу билан бирга, мижозларга янада қулайлик яратиш, уларнинг

вақтини тежаш мақсадида банк филиалларида 1300 дан ортиқ ридерлар, 74 донна инфокиоск ва 21 донна банкомат орқали ҳам банк хизмати кўрсатилмоқда. Айтиш жоизки, худудий филиалларнинг талабларидан келиб чиқиб, жорий йил учун кўшимча равишда 3400 донна тўлов терминали ва 420 минг донна пластик карта харид қилиниб, мижозларга тарқатилди. Масалан, Қашқадарё вилоятининг чекка туманларидан бири — Чирокчида банк филиали томонидан 250 га яқин терминаллар ўрнатилди.

— Бизнинг Қорателпак қишлоғимизда 2600 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди Феруза Шайманова. — Туман марказига боришимиз учун 90 километр йўл босишимизга тўғри келади. Аммо кундалик турмушда зарур барча

махсулотлар шу ердаги озиқ-овқат дўконларида топилади. Уларни нақд пулдан ташқари, Халқ банки туман филиали томонидан ўрнатилган терминаллар орқали харид қилишимиз мумкин. Бундан, айниқса, қишлоғимизнинг нуруний отахону онахонлари мамнун. Чунки уларнинг аксарияти Халқ банкининг пластик карточкаларидан фойдаланади.

— Бизнинг Чашмамирон қишлоғимиз билан Дехқонobod тумани маркази оралиғидаги



масофа 85 километрни ташкил қилади, бироқ уй-рўзғор учун керак бўладиган махсулотларни сотиб олиш учун у ерга боришга ҳожат йўқ, — дейди Мадина Алимардонова. — Чунки барча махсулотларни қишлоғимиздаги савдо дўконидан нақд пулсиз сотиб олаемиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизнинг чекка худудларида ҳам пластик карточкалардан кенг фойдаланилаётган. Бунда, албатта, молиявий муассасалар томо-

РЕКЛАМА ҲАМ ҲАМ

нидан жойлардаги чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш субъектлари, умумий овқатланиш масканлари тўлов терминаллари билан таъминланаётгани муҳим омил бўлмоқда. Айтилик, Халқ банкининг Жиззах вилоятининг Фориш филиали томонидан 119 та терминал ўрнатилган бўлса, уларнинг асосий қисми қишлоқ жойлари улушига тўғри келади.

— Очиги, қишлоғимиздаги гўшт дўкониди ҳам Халқ банки томонидан ўрнатилган терминал бор, — дейди Боғдон қишлоғи аҳолиси Зарифа Ҳасанова. — Бу биз, истеъмолчилар учун жуда қулай. Ўзингиз ўйланг, ёзинг жазирамасида узокқа бормасдан, шундоқки-на уйимиз яқинидаги дўкондан пластик карта орқали савдо қилсак, бундан ортиқ қулайлик бўлмаса керак!

— Биз, асосан, мобил телефон аппаратлари савдоси билан шуғулланамиз, — дейди хусусий тадбиркор Келдиёр Хайтанов. — Аҳоли талабидан келиб чиқиб, алоқа хизматлари учун тўловларни амалга оширишни ҳам йўлга қўйдик. Бунинг учун Халқ банки томонидан терминал ўрнатиб берилгани айти мудоа бўлди. Эндиликда бизнинг "Янги дала" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси ушбу тўлов учун Мирзачўл тумани марказига боришга ҳожат қолмади.

Ярати берилаётган бу каби қулайликлар туфайли Халқ банки пластик карточкаларидан фойдаланувчи мижозлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Зеро, "электрон ҳамён" орқали мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш банк жамоасининг устувор мақсадидир.

Банк матбуот хизмати.

Жаҳон банкининг молиявий кўмағида амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа доирасида Боёвут туманидаги 5 та сув истеъмолчилари уюшмасига биттадан "Мунис" русумидаги мотоцикл ажратилди.

МЕЛИОРАЦИЯ

Гап шундаки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган бу митти кузовли транспорт воситаси ички дала йўлларида ҳам бемалол ҳаракатлана олиши билан ирригация-мелиорация назорат қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатишда жуда қулай улов ҳисобланади. Шунингдек, мазкур лойиҳа туфайли тумандаги яна 5 та сув истеъмолчилари уюшмаси ўз экскаваторларига эга бўлди. Натижада ушбу худудларда ички мелиорация-ирригация тармоқларини ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш учун етарли шароит яратилди.

— Айти чоғда лойиҳага асосан, Боёвут туманида битта сўғориш тармоғи реконструкция қилинмоқда, — дейди лойиҳанинг Сирдарё вилояти бўлими мутахассиси Набижон Собиров. — Шунингдек, тумандаги 10 та тик дренаж тудан таъмирланмоқда. Бу иш ниятисига етгач, бир ярим минг гектардан зиёд экан майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ирригация тармоқлари реконструкция қилинмоқда

ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2014 йил 22 август куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- I. Самарқанд тумани СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 23 майдаги 1-83-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд тумани, «Каттакўрғон ариқ» ҚФЙ, «Қуйи туркман» МФЙда жойлашган, умумий ер майдони 3637,64 кв.м. бўлган иссиқхона биноси. Бошланғич баҳоси — 265 803 644 сўм.
II. Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
1. Самарқанд шаҳри, Абу Мансур Мотуридидий кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 717,23 кв.м. бўлган 2 қаватли маъмурий бино. Бошланғич баҳоси — 506 028 929 сўм.
2. Самарқанд шаҳри, Фитрат кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 316,82 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси. Бошланғич баҳоси — 381 648 517 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38. Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Паркент тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 январдаги 10-1308/10450-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Гулбоғ» агрофирмаси, Чўққайма маҳалласида жойлашган картошка омбори биноси ва иншоотлари такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 350 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 8 август куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13. Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Аукцион савдоси 2014 йил 6 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 4 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХОАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz. Хизматлар лицензияланган.

Спорт



Навоий шахрида ўсмирлар ўртасида "Маҳаллаамиз паҳлавонлари" кураш мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

«Маҳаллаамиз паҳлавонлари»

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими, маданият ва спорт ишлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада ёшлар 6 вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Мусобақа сўнгида учкудуклик Асадулло Абдуллаев, Навоий шахрилиқ Аббос Маҳмудов ва Мухлиса Нормунинова, хатирчилик Файрат Усмонов, навбахорлик Гулбахор Муродова, карманалик Камола Актамова ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритишди. Ғолиблар мусобақанинг мамлакат босқичида иштирок этади.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 12 ИЮЛДАН 18 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. «Насиблик соҳасида селекция, биотехнология ва ирсият-муҳандислик усуллари қўлланиш шарҳлари билан боғлиқ тартиб» тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қўшма Қўраш ва сув ҳўжалиги вазирининг 2014 йил 16 июндаги 155-сонли буйруғи.

2014 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2602 (2014 йил 21 июндан кўчга кирди). 2. «Санат хавфсизлиги соҳасидаги экспорт ташкилотларини акредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қондалари»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазирни геологик ўрганиш, сановатла, қончилиқ ва коммунал-машиини секторда ишларнинг беватар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2014 йил 8 июлдаги 87-сонли буйруғи.

2014 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022-2 (2014 йил 21 июндан кўчга кирди).

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси катта илмий ходим, филология фанлари номзоди Ғулом Исмоилова падали бузруквори Мирза ИСМОИЛОВнинг фаоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдилади.

Токиода Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг тақдимоти

Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик доирасида Токионинг "Мицукочи" маданият марказида "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг тарихий маркази" мавзусига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Мамлакатимиз тарихи, маданияти ҳамда ўзбек ва япон халқларининг кўп асрлик дўстлик ришталарига доир мазкур тадбир Япония Тарих тадқиқотлари институтининг профессори Ясуо Когучи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

деқ, Самарқанд ва Нара (Япония) шаҳарларини боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг меъморий обидалари ва тарихий қарвон йўллари билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда Ўзбекистоннинг бугунги ҳудуди жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири бўлиб, ўзининг уч минг йилдан зиёд давлатчилик тарихига эга эканлиги алоҳида қайд этилди.


Унда сўзга чиққанлар жаҳон цивилизациясининг бешинчи бўлган Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтаб келгани ҳолда, қитъанинг маданий, илмий ва маънавий бойлигини ўзида муҳассам этганини таъкидлашди.

Меҳмонларга, шунингдек, мамлакатимизнинг кўна шаҳарларидаги дунёга машҳур меъморий обидалар, ўзбек халқи

маданиятининг ўзига хос урф-одат ва анъаналари ҳамда Ўзбекистоннинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Профессор Ясуо Когучи ўз чиқишида Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни тақдимот қатнашчилари эътиборига ҳавола қилар экан, "Афросиёб" ва "Далварзинтепа"даги археологик қазилма ишларининг натижалари ҳамда тарихий қарвон йўллари орқали Марказий Осиё ва Япония ўртасидаги ўзаро алоқалар хусусида атрофлича тўхтади. У археология топилмалари Буюк Ипак йўли даврида ўзбек ва япон халқлари ўртасида яқин ижтимоий-иқтисодий алоқалар мавжуд бўлганидан далolat беришини билдирди.

Тақдимот доирасида республикамиз сайёҳлик салоҳияти ҳамда анъаналарини ақс эттирган кўргазма ҳам уюшти-



рилди. Унда ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотларининг намуналари ҳамда мамлакатимиздаги маданий мерос, тарихий-меъморий обидалар ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг ахборот материали намойиш этилди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида тадбирнинг айрим иштирокчилари ўз таассуротларини ўрточқиларга ўзбек халқининг кўна

Япония Тарих тадқиқотлари институтининг профессори Ясуо Когучи Ўзбекистон кўп асрлар мобайнида жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётида муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидлади. У Ўзбекистоннинг табаррук замини жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган қўлаб аллома ва мутафаккирларга бешик бўлганини қайд этди.

— Бугунги тақдимот японияликларга ўзбек халқининг кўна

«Жаҳон» АА. Токио

ЭЪТИРОФ

Тақдимот чоғида унинг иштирокчилари — Япония университетларининг профессорлари, Токио илмий-академик ва жамоатчилик вакиллари ўзбек халқининг кўна тарихи, бой маданияти ҳамда анъаналари, шунинг-

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ

Истиқлол йилларида Термиз шаҳри ўзгача қиёфа касб этиб, янада чирой очди. Бир пайтлар фэйзсиз-тароватсиз бўлган кўчалар кенгайтирилиб, икки четига манзарали дарахт кўчталари, турфа гул ниҳоллари экилд.

Шаҳарга кўрк бағишлаб турган Археология музейи халқимизни, келажак эгаларини узоқ тарихимиз, ўтмишимиз билан боғлаб турган бўлса, шаҳарсозлик қурилишининг сўнги ютуқлари асосида қад кўтарган "Бахт уйи" янги оилаларни саодатманд қилмоқда.

Минглаб ёшларни бағрига олган Термиз

жамиятининг 5,2 миллиард сўмлик маблағи ҳамда банкнинг 1,3 миллиард сўмлик кредити ҳисобидан фойдаланишга топширилган "Charog'on tekstil" фабрикасида йилига 2 миллион донадан зиёд болалар ва катталар учун трикотаж буюмлари, коржомалар тайёрлаш йўлга қўйилиб, 400 нафардан кўпроқ киши ишга жалб этилди.

Йўлингиз тушиб, шу

Юрт кўркидир бу бинолар

давлат университети биноси, янги қурилган коллежлар, йигит-қизларнинг сеvimли масканига айланган "Сурхон" спорт мажмуаси, "Дельфин" сузиш хавзаси, 10 минг ўринли ўйингоҳ — ҳамма-ҳаммаси муҳташам ва кўркам. Беихтиёр шундай муътабар юрда яшаётганимга, унинг асоси бўлмиш Мустақилликка шукроналар айтасан, киши.

туманнинг Қораёнтоқ қишлоғига борсангиз, бу ерда кунора ҳовли тўйла-ўтказилаётганига гувоҳ бўласиз. Гап шундаки, 2013 йилда мазкур массивда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши мўлжалланган 105 та уй-жойнинг пой-девори қўйилган эди. Мана, бугун эса пардозлаш ишлари тугалланган, ҳали бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган, девори пишиқ гиштдан тикланган замонавий ва фундукор уйларга эгалари кўчиб қирмоқда. Айни пайтда янги шаҳарча кўчаларига асфальт ётқизибли, комму-никация тармоқлари ишга тушириляпти, болалар учун ўйин майдончалари қурилмоқда.

Воҳанинг шимолий шаҳарларидан бири — Деновда амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан ҳам кўнглингиз ёришади. Кўп қаватли уйлар,



Сурхондарё вилояти маркази — Термиз шаҳри чиндан ҳам истиқлол йилларида гуллаб-яшнади. Бу ерда замонавий архитектура ютуқлари асосида бунёд этилган янги турар-жойларда, асосан, ёш оилалар истиқомат қилишмоқда.



Ўтган йилнинг охирида, шунингдек, Жаркўрғон туманидаги "Марказий Сурхон" маҳалласида "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясига қарашли "Савдо-энерго" акциядорлик

замонавий услубда бунёд этилган "Атлантия" ва "Yubileyniy" супермаркетлари, ёшлар спорт мажмуаси, "Evgoaziya" меҳмонхонаси ва бошқа иншоотлар барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Мухтасар айтганда, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва туманларида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида яна қўлаб иншоотлари қуриб, ишга туширишдек хайрли омушлар қизгин давом эттирилмоқда. Тез орада бу бинолар юрт кўркига айланади.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for NBU (Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки) featuring various services and partner logos like ASIA PIPEPLAST, Farg'ona Kimyo Zavodi, and Namangan Qog'oz.

Advertisement for SHAD SAVDO ZAMIN MCHJ, an auction house, listing services and contact information.

Оҳангарон туманининг Овжасой қишлоғида топиладиган ёши тахминан 1,2-1,8 миллион йилга тенг улкан жонивор қолдиқларини қадимшунос олим ва мутахассислар жануб мамонтларига мансуб, деб тахмин қилишмоқда.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' newspaper, including subscription rates and contact details.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', providing contact information and a list of services.

Advertisement for 'МАНЗИЛИМИЗ: 100000' real estate services, listing various properties and contact information.